Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 91 (9.588) 2001 йил 6 август, душанба ◆ Сотувда эркин нархда





## ЯККАСАРОЙ тумани

### КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА






◆ Яккасарой туманининг умумий майдони 1433 гектар бўлиб, 106 минг аҳоли яшайди.

◆ Туман пойтахтнинг энг йирик саноат марказларидан ҳисобланади. Бу ерда йирик корхоналардан «Тоштўқимачи» ҲЖ, «Тоштўқимамаш», вагонларни таъмирлаш заводи, 206 та қўшма корхоналар ва 1622 та кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Пул операциялари туманда жойлашган еттита банк, «Асакабанк»нинг учта филиалларида амалга оширилади.

◆ Туманда 5 та олий ўқув юртлари — Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети, М.Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти ва Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти, Давлат Миллий рақс ва хореография олий мактаби (собиқ хореография билим юрти), Тошкент Давлат тўқимачилик ва енгил саноат институти жойлашган. Уларда 14 минг талаба таҳсил олмоқда.

◆ Тумандаги мавжуд 17 та мактабда 14591 ўқувчи билим олади ва 953 ўқитувчи меҳнат қилмоқда. Мустақиллик йилларида бу ерда 3 та лицей ва 5 та коллеж қурилган ва қайта таъмирланган. 29 та мактабгача болалар муассасалари 4970 болани ўзига қамраб олган.

◆ Туманда сменада 2250 аҳоли тасарруфидаги 4 та оилавий поликлиника ва 299 ўринли 3 та стационар фаолият кўрсатмоқда.

◆ Спорт-соғломлаштириш тадбирлари туманда жойлашган 4 та стадион, маҳаллалардаги кўплаб кичик спорт майдончалари, 21 та спорт зали, 5 та сузиш бассейнларида ўтказилади.

◆ Маданий-оқартув тадбирлари йирик истироҳат боғларидан бири бўлган Бобур номли боғда, 2 та клуб ва 48 та кутубхоналарда ўтказилади.

● **Яккасарой тумани ҳақидаги мақолалар билан газетанинг 2-бетидаги махсус саҳифада танишасиз.**





*СУРАТЛИ ЛАВҲА*

# Равон йўл бунёдкорлари



**Пойтахтимизнинг энг серқатнов бўлган Навоий кўчаси қутлуғ байрам арафасида ўзгача қиёфа кашф этмоқда.**

Ушбу қурилиш майдонидаги бунёдкорлик ишларини амалга оширишда «Тошшаҳарйўлқурилиштаъмир» трестининг 3-йўл қурилиш бошқармаси билан ҳамжиҳатликда меҳнат қилаётган 2-йўл қурилиш бошқармаси йўлсозларининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Бошқарманинг 40 нафарга яқин ишчи-хизматчилари йўлни қайта таъмирлаш ва ободонлаштириш юмушларида алоҳида фаоллик кўрсатишмоқда.

Шу кунга қадар йўлнинг Фурқат кўчасидан Абай кўчасигача бўлган қисми фойдаланишга топширилган бўлса, Абай ҳамда Усмон Юсупов кўчалари оралиғида охирги ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада бошқарманинг тажрибали қурувчилари трамвай рельслари оралиғига ғишт териш, йўлга асфальт ётқизиш ишлари билан шуғулланмоқда.

— Қилган меҳнатимиз натижасида йўлларимизнинг равон ва файзли бўлаётганини кўриб ўзимиз фахрланиб кетамиз, — дейди участка бошлиғи Абдуқодир Ғаниев. — Айниқса, Мустақиллик байрами арафасида зиммамиздаги вазифани тўла бажариб, транспорт воситалари ва йўловчилар учун қулайлик яратаётганимиздан мамнунмиз. Негаки, яқинда нишонланадиган касб байрамимиз ҳамда Истиқлол тантаналари кунини ёруғ юз билан қарши олаяпмиз. Бу йўлсозларимиз кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда.

**Дилноза ҒИЁСОВА.**

**СУРАТЛАРДА: 2-йўл қурилиш бошқармаси участка бошлиғи (чапдан) Абдуқодир Ғаниев ва илғор қурувчи Тошкенбой Жунусов; замонавий техника йўлсозларнинг ҳақиқий мададкори.**

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Ўтган шанба куни Банклараро марказда иқтидорли ёшларнинг чет элларда таълим олишини қўллаб-қувватловчи «Умид» жамғармасининг 2001-2002 ўқув йили грант соҳибларини шарафлаш маросими бўлди. Давлатимиз раҳбари танловда ғолиб чиққан 44 нафар иқтидорли ёшларга табрик йўллади. Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев ана шу табрикни ўқиб эшиттирди. Бош вазир ўринбосари Р. Азимов грант соҳибларига Президент совғаларини ва хориждаги олий ўқув юртларида таълим олиш ҳуқуқини берадиган сертификатларни топширди.

● Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисда қишлоқ хўжалик корхоналарида ички шартномавий муносабатларни ташкил этиш борасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

● Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги балоғатга етмаганлар ишлари бўйича Комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятларида ўқувчилар таълим-тарбиясини яхшилаш, болалар ногиронлигининг олдини олиш ва уларнинг ижтимоий кўникиши аҳволини текшириш натижалари муҳокама қилинди.

● Мамлакатимизга ташриф буюрган Германия Федератив Республикаси Федерал атроф-муҳит ва атом реакторлари хавфсизлиги вазирлиги давлат котиби Гиля Алтман бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида бўлди. Бу ерда германиялик эколог-мутахассисларнинг қўмита раҳбарлари билан суҳбати чоғида Ўзбекистонда ва минтақада атроф-муҳит муҳофазасига оид долзарб масалалар муҳокама қилинди.

● Пойтахтимиздаги «Шератон» меҳмонхонасида халқаро сайёҳлик форуми бўлиб ўтди. Унда Ватанимиз ва бир қатор хорижий мамлакатлар фирмаларининг вакиллари иштирок этишди.

### Жаҳонда

● Ўтган шанба куни Москвада Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Корея Халқ Демократик Республикаси раҳбари Ким Чен Ир қўшма декларацияга имзо чекдилар. Кеча Ким Чен Ир Санкт-Петербургга йўл олди.

● Бельгия Бош прокуратураси Ироқ Президенти Саддам Ҳусайнга қарши айблов ишини кўриб чиқадиган бўлди. Голландия ва Бельгияда яшовчи курд муҳожирларининг бир гуруҳи Саддам Ҳусайнни инсониятга қарши жиноят содир этиш, хусусан 2000 нафар курдни йўқ қилишда айбламоқда.

● Қозон шаҳрида вабо хасталигига дучор бўлганлар сони камаймаётир. Кечаги кунги маълумотларга қараганда, 66 киши касалхонада ётибди.

● Япония Жанубий Корея кемалари Жанубий Курил ороллари атрофида сузиб юрганидан норози. Мамлакат ҳукумати Россия ҳамда Жанубий Кореяга буни расман билдирди. Жанубий Курил оролларини Япония ҳам, Россия ҳам ўз ҳудуди деб ҳисоблайди.

● Арманистонда республикада вабо хасталиги тарқалиши эҳтимоллари муносабати билан шошилинч чора-тадбирлар кўрилди. Санитария хизматлари барча сув манбаларини текширувдан ўтказмоқда.

● Ўтган шанба куни Буюк Британияда қиролича-онанинг 101 йиллиги нишонланди. Гайд-паркда қиролича шарафига мушакбозлик бўлди.

● **Кеча** Тель-Авивда қўпорувчилик ҳаракатини содир этган кимса қўлга олинди. Ушбу қўпорувчилик ҳаракати оқибатида кеча олти нафар исроил аскари жароҳат олди. Бир гуруҳ ҳарбий хизматчилардан машинани юқори тезликда бошқариб бораётган фаластинлик яширинмоқчи бўлди, бироқ машинани бошқара олмай симёғочга келиб урилди.

● Афғонистоннинг Ғўр вилоятида Толибон ҳаракатига хизмат қилаётган қуролли гуруҳларнинг 7 нафар қўмондони уч юзга яқин аскари билан Шимолий иттифоқ томонига ўтиб кетди. Бундай воқеа иккинчи бор юз бермоқда. Бир неча кун аввал Фараҳ вилоятида бир қўмондон ўз қўли остидагилари билан шимолликларга қўшилиб кетган эди.

● Германиянинг жанубида рўй берган кучли тўфон оқибатида бир киши ҳалок бўлди ва 50 киши жароҳат олди. Кўплаб миқдордаги дарахтлар ағдарилиб тушди, уйларнинг томлари бузилди, айрим ҳудудларда электр узатгич линиялари шикастланди.

● Ҳиндистон жанубидаги штатлардан бирида рўй берган йўловчиларни ташийдиган автобуснинг иккита юк машинаси билан тўқнашиб кетиши оқибатида 9 киши ҳалок бўлди, 33 киши турли даражадаги тан жароҳати олди.

● Лондондаги рўй берган қўлбола бомбанинг портлаши оқибатида 11 киши шикастланди. Тахмин қилишларича, ушбу қўпорувчилик ҳаракатини каталикларнинг Ольстер экстремистик гуруҳи уюштирган.

● БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти мутахассислари тарқатган баёнотга кўра, Африканинг ўн етти мамлакатида аҳоли очарчилик ёқасида турибди. Айниқса, Судан, Сомали ҳамда Зимбабведа аҳвол ниҳоятда оғир.

● Япония таълим вазирлиги келгуси йилдан бошлаб энг қобилиятли ўқувчиларга таълим бериш учун олий фан мактабларини очишни режалаштирмоқда. Мамлакатнинг энг яхши олимлари ана шу мактабларда маърузалар ўқишга таклиф этилиши кўзда тутилмоқда.

● Америка ҳарбий-денгиз кучлари ва ҳарбий-ҳаво кучларининг бир неча базалари жойлашган Япониянинг Окинава префектураси губернатори Вашингтондан ва Токио ҳукуматидан оролда американлик ҳарбийларнинг сонини қисқартиришни талаб қилди.

## ҚИСҚА сатрларда

❐ **«ТУРКИСТОН»** саройида таниқли санъат намояндалари — бастакорлар, хонандаю шоирлардан ташкил этилган ҳайъат аъзолари иштирокида етук, профессионал санъаткорлар ижросида янги қўшиқлар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Уч босқичли ушбу кўрик-танловда иштирок этаётган санъаткорлар ижросидаги энг яхши қўшиқлар истиқлол айёмининг 10 йиллиги ўтадиган асосий тантаналарда юртдошларимизга байрам туҳфаси сифатида ҳавола этилади.

❐ **БЕКТЕМИР** туманидаги 1-маданият уйида ўтказилган туман маданият бўлими қошидаги ҳаваскор санъаткорлар дастаси тайёрлаган хайрия концерти истиқлолнинг 10 йиллигига бағишланди. Туман ҳокимлиги, маданият ва халқ таълими бўлимлари ҳамкорлигида бўлиб ўтган ушбу хайрия тадбиридан тушган маблағ тумандаги кам таъминланган оилалар аъзолари ҳамда ногиронлар эҳтиёжлари учун сарфланади.

❐ **МИРОБОД** туманидаги «Янги Миробод» маҳалласида маҳалла фаоллари иштирокида туман Маънавият ва маърифат маркази ҳамда туман «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида бўлиб ўтган «Ўзбекистоннинг иқтисодий омиллари» мавзуидаги давра суҳбати истиқлолнинг 10 йиллигига бағишланди.

❐ **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «Наврўз» маҳалла гузарида «Хирмонтепа», «Наврўз», «Бўржар» маҳаллалари фаоллари иштирокида туман хотин-қизлар қўмитаси ва туман «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида «Истиқлолдан бахт топган диёр» мавзуида бўлиб ўтган тадбир истиқлолнинг 10 йиллиги ҳамда ҳар йили нишонланадиган маҳалла кунига бағишланди.

❐ **МУСТАҚИЛЛИК** айёми арафасида Тошкент кибернетика институтига биотиббий тизимларни моделлаштириш лабораториясида олиб борилаётган тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш мақсадида замонавий русумдаги компьютерлар келтирилди.

❐ **ТОШКЕНТ** шаҳридаги ҳарбийлаштирилган солиқ коллежида ушбу билим маскани битирувчиларига диплом топшириш маросими ўтказилди.

❐ **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** «Чорсу» меҳмонхонасида Шайхонтоҳур тумани хотин-қизлар қўмитаси ва туман ҳокимлигининг меҳнат бўлими ҳамкорликларида ишсиз аёллар учун бўш ишчи ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

❐ **ОЛИМПИЯ** шон-шуҳрати музейида Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Халқаро кураш федерацияси ҳамкорлигида кекса курашчилар ва бошқа спортчилар иштирокида бўлиб ўтган тадбирда пойтахтимизда «Ўзбекистон белбоғи» кураш федерацияси ташкил қилинганлиги ва бу федерацияга «Ўзавтосаноат» Давлат уюшмаси раиси Аҳмаджон Ҳаққулов президент этиб сайланганлиги эълон қилинди.

*ТАДБИРЛАР*

# Маҳалла байрами файзли ўтди

**Ўтган шанба куни Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида эрта тонгдан янграган карнай-сурнай садолари ҳамшаҳарларимиз, маҳаллаларимиз оқсоқоллари, фаоллари ва жонкуярлари, пойтахтимиз меҳмонларини сўлим боғ бағрига чорлай бошлади. Шу куни боғда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, пойтахт оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси ташкилотчилигида анъанавий «Маҳалла куни» байрам тантаналари ва сайли бўлиб ўтди.**

— Ҳаётимизда амалга ошадиган барча ишларга маҳалла бош-қош, — деди жумладан тадбирни очар экан Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рихситилла Акромов. — Бугунги кунда оқсоқол ва фаоллар ҳаётимизнинг барча жабҳаларида рўй бераётган жараёнларда қатнашмоқдалар. Зеро, маҳаллани давлатимизнинг биринчи бўғини дейилиши бежиз эмас. Жуда кўп чет эллик мамлакатлар вакиллари маҳалла тизими билан қизиқиб, унинг фуқаролик жамиятининг асоси эканлигига тан беришаётганлиги қувонарли ҳолдир.

Сўнг энг намунали маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Жумладан, Ҳамза туманидаги Аҳмаджон Назаров номидаги маҳалла оқсоқоли Собиржон Комиловга «Ибратли маҳалла оқсоқоли», Собир Раҳимов туманидаги «Гузарбоши» маҳалласининг оқсоқоли Турсунхўжа Эргашевга эса «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли» шаҳар кўрик-танловининг ғолиби сифатида видеомагнитофонлар топширилди.

Маҳалла тизимида кўп йиллар самарали фаолият кўрсатган, ўз маҳалласида спорт мажмуасини очган Бектемир туманидаги «Чашма» маҳалласи оқсоқоли К. Санақулов, шу тумандаги «Зилола» маҳалласи оқсоқоли Т. Эшхўжаев, Мирзо Улуғбек туманидаги Й. Охунбобоев маҳалласи оқсоқоли Ҳ. Азимов, шу тумандаги Ш. Бурҳонов номли маҳалла оқсоқоли Ш. Жўраев, С. Раҳимов туманидаги «Чиғатой Оқтепаси» маҳалласи оқсоқоли Х. Мўминов, Шайхонтоҳур туманидаги «Чўпонота» маҳалласи оқсоқоли Ҳ. Акбаров ва бошқаларга Тошкент шаҳар ҳокимининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

Дарҳақиқат, шу куни барча маҳалла фидойилари ва жонкуярлари муносиб тақдирланди.

Эл севган санъаткорлар — Миразиз Муҳамедов, Илҳом Фармонов, Нуриддин Ҳайдаров, Собиржон Мўминов, Мадина Мухторова, аскиямиз дарғаларидан Жўрахон Пўлатов, Йўлдошхон Носиров, Акром Анваровларнинг ичакузди чиқишлари қатнашчилар дилига завқ улашди.

Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси томонидан ташкил этилган таклифномалар асосида шаҳар маҳаллаларининг 2000 га яқин кам таъминланган оилалари фарзандлари учун август ойи давомида боғдаги аттракционларда бепул учиб, ҳордиқ чиқаришларига имкон яратилди.

Меҳмонларга байрам дастурхони ёзилиб, ош тортилди. Боғда ташкил этилган турли хил спорт мусобақалари, китоб савдоси, ўзбек миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмалари байрамга ўзгача файз киритди.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

**СУРАТЛАРДА: Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган «Маҳалла куни» байрамидан лавҳалар.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**







10 Шу азиз Ватан — барчамизники!

# ЯККАСАРОЙ тумани

## КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

# КЎТАРИНКИ РУҲДА

***Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн йиллиги бу — нафақат барчамизнинг байрамимиз, балки босиб ўтилган йўлга қутлуғ назар ташлаб бажарилган ишларни таҳлил қилиш ва келажак режаларини белгилаш ҳамдир. Яккасарой тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Алишер МИРҚОСИМОВ билан суҳбатимиз ҳам Мустақиллик йилларида туманда амалга оширилган хайрли ўзгаришлар тўғрисида бўлди.***

— Давлатнинг оёққа туриши учун ўн йил — жуда қисқа муддат бўлса-да, бироқ шу вақт ичида юз берган ўзгаришларнинг жуда улкан эканлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Энг муҳими, ушбу йиллар давомида кишиларнинг дунёқараши, руҳияти ўзгарди, онги ўсди.

Мулкдорлар синфининг шаклланиши ҳам мустақиллигимизнинг катта ютуқлари сирасига киради. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган мажлисидаги нутқида Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «...Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик мамлакатнинг нафақат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда асосий бўғин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг, миллий фаровонликка эришишнинг муҳим омили ҳам бўлиши даркор».

Ҳозирги кунда туманимизда 206 та қўшма корхона, 1622 та кичик ва ўрта бизнес тузилмаси (уларнинг 1408 таси хусусий ишлаб чиқариш нуқталари бўлиб, самолёт, транспорт ва алоқа, савдо ва умумий овқатланиш, соғлиқни сақлаш каби деярли барча соҳаларни қамраган) фаолият кўрсатмоқда. 2001 йилнинг биринчи ярмида улар томонидан солиштирма нархларда 1 миллиард 834 миллион-сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди.

Тумандаги йирик корхоналар фаолиятида ҳам жуда кўп ўзгаришлар рўй берди. Улар ўз мақомларини ўзгартириб, ҳиссадорлик жамиятларига айландилар, бу эса ўз навбатида кишиларнинг ўз иши, корхонасига бўлган муносабатини ҳам ўзгартирди. Зеро, эндиликда уларда корхонанинг биргаликдаги соҳиблари сифатида меҳнатлари натижаларидан аниқ манфаатдорлик пайдо бўлди. «Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамияти бунга ёрқин мисол бўла олади. Янгича руҳда хўжалик юритишни ўрганиш даври, кўпчилик бошқа корхоналар қатори тўқимачилик корхонаси учун ҳам осон кечмади. Ўтиш даврининг муаммоларини енгиб ўтган ҳолда тўқимачилик корхонаси бугунги кунда туманда бешта корхона томонидан татбиқ этилаётган маҳаллийлаштириш дастури доирасида экспортга йўналтирилган ва хорижда чиқарилганларнинг ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда. «Тоштўқимачи» ХЖ томонидан фақат экспортга жўнатиш учун махсус ипларнинг ўзидан 2 минг ғалтак ишлаб чиқарилди. Хорижда чиқарилган тўқимачилик машиналари учун махсус эҳтиёт қисмларни тайёрловчи ва улар билан Ўзбекистон тўқимачилик саноатини таъминлайдиган «Тоштўқимамаш» корхонаси ҳам юқоридаги дастур бўйича фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида ушбу корхона томонидан 14,9 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилди ва бу белгиланган режадан анча юқори натижадир. Тумандаги бошқа корхоналар ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда — биринчи ярим йилликда ишлаб чиқариш ҳажми 16 миллиард 391 миллион сўмни ташкил этди (ўтган йилнинг худди шу даврига солиштирганда бу — 102,9 фоиз демакдир), 8 миллиард 568,3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 1 миллиард 534,2 миллион сўмлик капитал қуйилмалар ўзлаштирилди, 9 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жойлар қурилди.

Туманда спорт иншоотлари қурилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Тоштўқимачи» стадиони биринчи босқичи қайта қурилишини тугаллаш билан бир қаторда, биз аҳоли, айниқса болалар ва ўсмирларнинг спорт билан шуғулланишларини таъминлаш мақсадида ҳар бир маҳаллада кичикроқ бўлса-да стадион қурилишига ҳаракат қилмоқдамиз. Зеро, ёшлар тарбиясига муҳим аҳамият қаратилаётган ҳозирги кунда уларнинг нечоғлик жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом ўсишлари бизга кўпроқ боғлиқдир. Шу сабабдан ҳар бир маҳалла, мактабда ёшларни бугунги кун талаблари руҳида тарбиялашга йўналтирилган турли-туман тадбирлар ўтказилмоқда. Спорт мусобақалари, ёзувчилар, рассомлар, санъаткорлар, олимлар, шифокорлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, ҳокимликлар ходимлари билан учрашув, суҳбат ва маърузалар шулар жумласидандир.

Байрам арафасида эса биз барча ҳамшаҳарларимиз каби мустақиллик кунини байрамона гўзал қиёфада, кўтаринки руҳда кутиб олиш учун ободонлаштириш ойлигини ўтказмоқдамиз, майдонларни байрам концертлари ва халқ сайилларини ўтказиш учун тайёрлаяпмиз.

МАҲАЛЛАНГ — ОТА-ОНАНГ

# Эл фаровонлиги йўлида

***Халқимиз қадим-қадимдан ўзи туғилиб ўсган маҳаллани қутлуғ даргоҳ, муқаддас саждагоҳ каби эъзозлаб, қадрлаб келади. Чунки маҳалла кишиларни бирлаштирувчи, тотувлик, биродарликка чорловчи қадрдон маскандир.***

Яккасарой туманида ҳам ибратли маҳаллалар кўпчиликни ташкил этади. Айниқса Муқимий номли маҳалланинг меҳнатсевар, кўнгли очиқ, меҳмондўст, одамохун кишиларию қалби олов ёшларининг шижоати бошқаларга намуна бўлаётир.

Маҳаллаларга ўзини ўзи бошқариш органи мақомининг берилиши маҳаллий ҳокимият идораларининг бир қатор вазифаларни бажариш имконини берди. Маҳаллаларнинг ҳуқуқий обрўйи, берилган имтиёзлар ва шу билан биргаликда улар олдига қўйиладиган масъулиятли вазифалар кундан кунга ошмоқда.

— Маҳалламизда Мустақиллигимизнинг ўн йиллик байрами олдидан кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш, қурилиш, маънавий-маърифий соҳаларда, аҳолининг ҳуқуқий онгини ўстиришда, кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялашда, ёшларни касб-ҳунарга ўргатиб, иш билан таъминлашда, маҳаллада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва бошқа соҳаларда бир қанча хайрли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Ғихсибой ака Абдурасулов. — Маҳалламизда 22 миллатга мансуб 3600 аҳоли истиқомат қилади. Ҳар йили Наврўз, Мустақиллик байрами тантаналарида маҳалла аҳли, Хотира ва қадрлаш кунида уруш ва меҳнат фахрийлари учун дастурхон ёзиб, ош бериш, эсдалик совғалари топшириш анъана тусини олган. Бу йил баҳор ойида маҳалла оқсоқоллари бошчилигида маҳалла ҳудудини кўкаламзорлаштириш мақсадида академик Сирожиддинов кўчасига 70 туп ўрик, аҳоли яшайдиган уйлар олдига эса 70 туп терак ўтқазилди. Ўтган йили ушбу кўчага кираверишда маҳалланинг янги дарвозаси қурилди. Бу йилги хайрли ишларимиз сирасига ёшларни спортга жалб қилиш мақсадида маҳалламиздаги 144-мактаб стадионига кўм-кўк чим ётқизилди. Бундан ташқари кам таъминланган оилаларга уй-жой коммунал тўловлари учун ҳомийлар томонидан 400 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.



Маҳаллада сартарошхона, новвойхона, пойабзал таъмирлаш устахоналари, халқ ҳунармандчилиги цехлари, савдо шохобчалари ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолият кўрсатмоқда. Айниқса маҳаллада хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилиш, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришга, қизларни турмушга тайёрлашга доир тадбирлар, яқинда ўтказилган туман ва шаҳар миқёсидаги «Мен ва менинг маҳаллам», «XXI аср маликалари» сингари кўрик-танловлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Айни кунларда маҳалламиз аҳли Истиқлолимизнинг ўн йиллик тантаналарини муносиб кутиб олиш мақсадида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини қизғин авж олдирганлар.

Яккасарой туман-ҳудудий бирлик сифатида фақат 1936 йилда шаклланган бўлиб, шаҳардаги навқирон туманлардан саналади. Аммо унинг тарихининг қадимий илдизлари мавжуд бўлиб, у бу ерда яшаган ва яшаётган авлодларнинг анъаналарини бир қадар ифодалайди.

Маълумки, халқимиз ўзининг алоҳида меҳнатсеварлиги, ниҳоятда меҳмондўстлиги билан азалдан ажралиб турган, дастурхонига келган меҳмонга нон ушатибгина қолмай, сахийлик билан меҳмонга қалб қўри, бошпана инъом қилган.

ТАРИХ СОЛНОМАСИДАН

# Ягона оилада

Яккасарой туманига келган киши буни айниқса яққол ҳис қилади. Бу жойларнинг тарихидан бохабар кишилар Тошкентга Самарқанд ва Жиззахдан келадиган карвонлар шаҳарга киришдан аввал якка-ю ягона бўлган карвонсарой меҳмонларни қувонч билан кутиб олганини айтишади. Шунинг учун ҳам йўловчилар унга «Яккасарой» деб ном беришади. Йиллар ўтиб унинг атрофига ҳар хил касбикор эгалари — деҳқонлар ҳам, савдогарлар ҳам, ҳунармандлар ҳам бирин-кетин келишаверган. Афсоналарга қараганда улар орасида тўқувчилар кўпчиликни ташкил этган.

Шундан буён кўп вақтлар ўтди. Бир авлод ўрнига иккинчиси келди, одамлар ҳам, уларнинг турмуш тарзи ҳам ўзгарди, аммо ҳамма даврларда ҳам энг муҳими — очиқ кўнгиллик, атрофдагилар ва келиб-кетувчи одамларга иззат-ҳурмат сақланиб қолди. Буни айниқса фуқаролар уруши йилларида турли шаҳарлардан «Тошкент — нон шаҳри» деб талпиниб келганлар яхши эслашади. Ваҳоланки ўша йиллари бу ерларда ҳам нон тақчил бўлишига қарамасдан аҳоли борини баҳам кўрарди. Шунинг учун ҳам шаҳар — нон шаҳри деб аталди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида эса яккасаройликлар уруш бўлаётган жойлардан эвакуация қилинган минглаб одамларни қабул қилди. Ана ўшанда ҳам «Яккасарой» барча даврларга хос анъанасига содиқ қолди: бошпана ва нонтуз деб келганларни ўз бағрига олиб кийинтирди, тўйдирди. Ўзбекистон кўплар учун иккинчи ватанга айланди. Ахир кейинчалик имконият туғилгач, уйларига қайтиш мумкин бўлсада кўплар бу ерни ватан деб танлашди. Бу ерда уларнинг болалари, набиралари ва ҳатто невара-чевaралари яшамоқда. Шунинг учун ҳам Яккасарой тумани энг кўп миллатли туманлардан саналади. Республика байналмилал маданий марказининг шу ҳудудда жойлашганлиги ҳам тасодиф эмас. Шунинг учун ҳам унда ўз маданиятини асраб ривожлантириб бораётган хилма-хил миллий марказлар ўзбек халқининг анъаналари ва урф-одатларига ҳурмат билан қарамоқдалар.

*Рамз БОБОЖОН,*
*Ўзбекистон халқ шоири*

# Менинг маҳаллам

***Менинг Ватаним, бу — менинг маҳаллам,***
***Онамдан бешикда эшитган аллам.***
***Йигитлик тонгида янграган яллам,***
***Кўз очиб, кўрганим ишончли қалъам —***
***Менинг маҳаллам, бу,***
***менинг маҳаллам!***

***Қани, сиз азизлар, маҳалладошлар,***
***Ҳотин-халаж, эркак, кексаю, ёшлар,***
***Менинг келажагим, эй қаламқошлар,***
***Дўстлик қўрғонига отмангиз тошлар,***
***Менинг маҳаллам, бу,***
***менинг маҳаллам!***

***Ватан остонаси маҳалла-кўйдан,***
***Саъйи саховати тўёна, тўйдан,***
***Боғлардан таралган уфори бўйдан,***
***Файзу фароғатли меҳмондўст, уйдан...***
***Менинг маҳаллам, бу,***
***менинг маҳаллам!***

***Тонг отар интиқиб, эшик очаман,***
***Ёмондан ўзимни олиб қочаман,***
***Яхшига меҳримни қувнаб, сочаман.***
***Кимгадир амаки, кимга почаман,***
***Менинг маҳаллам, бу,***
***менинг маҳаллам!***

***Менинг маҳалламни кўрмаган борми,***
***Орзу қилиб, хаёл сурмаган борми,***
***Соя-салқинида юрмаган борми,***
***Ёқиб қолса, бир уй қурмаган борми?***
***Менинг маҳаллам, бу,***
***менинг маҳаллам!***

ИСТИҚЛОЛ — ТАҚДИРИМДА

# Қутлуғ кунлар шукронаси

Орифҳожи Алимаҳсумов, Ўзбекистон халқ артисти, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби:



— Мустақил диёримизда ўтаётган ҳар бир кунимиз, ҳар бир тонгимиз қутлуғ ва мунаввар, қувончли ютуқларга бой бўлмоқда. Янгиланишлар, буюк ўзгаришлар даврида яшамоқдамиз. Ёшларимизга айниқса ҳамма соҳада кенг имкониятлар яратилган. Санъатимиз, маданиятимиз янада юксалмоқда. Булар ҳаммаси мустақиллик шарофатидан. Бундай қутлуғ кунларга шукроналар келтиришимиз, унинг қадрига етишимиз лозим.

Шу туманда истиқомат қилиб келяпман. Кўп йиллар Тошкент тўқимачилик комбинатида, маҳаллий тўқимачилик соҳасида меҳнат қилдим. Шундан сўнг ўзбек эстрада театрида, кейинчалик радиода Юнус Ражабий раҳбарлигидаги ансамблда бирга ишладим. 1959 йили Юнус ака мақом ансамблини ташкил қилгач, 16 киши ансамблга аъзо бўлдик ва мақом йўлида қўшиқлар ижро этдим. Юнус акадан сўнг шу ансамблга раҳбарлик қилдим. Тошкент Давлат консерваторияси ва М. Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтида талабаларга анъанавий қўшиқчилик фанидан сабоқ бердим. Ҳозирги кунда шогирдларим М. Тожибоев, М. Эрматов, Э. Рўзиматов, Р. Қурбоновлар етук санъаткор даражасига эришдилар. Улар билан фахрланаман, албатта. Ўн йил Яккасарой-1 маҳалласига оқсоқоллик қилиб одамларга, эл-юрт хизматига шай турдим, эзгуликларга бош бўлдим. Ўн йилдирки, «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувини олиб бормоқдаман.

Ўтган умримдан мамнунман. Ўтган йили Юртбошимиз томонидан «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирландим. Икки бора муборак Ҳаж зиёратига бориш насиб қилди. Булар ҳаммаси истиқлол шарофатидан, одил Юртбошимиз саъй-ҳаракатлари туфайли, албатта. Бу кунларга етказганига шукр. Дилдан ўтказаётган барча эзгу ниятларимиз, орзуларимиз ижобат бўляпти. Илоҳим юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, хонадонларимиз обод бўлсин.

ТАДБИРКОРЛИК

# Буюртма асосида

***Туманда ҳозирги кунда 206 та қўшма корхона, 1622 та кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Шундай корхоналардан бири «Иродат» хусусий тикувчилик корхонаси бўлиб, бу ерда асосан буюртма асосида маҳсулот ишлаб чиқарилади.***

— Корхонамиз 1998 йилда ташкил этилиб, бу ерда буюртма асосида корхона ишчилари, тиббиёт ходимлари, хавфсизлик хизмати ходимлари ва бошқалар учун махсус иш кийимлари, формалар тикилмоқда, — дейди корхона раҳбари Шуҳрат Хўжаев. — Буюртмачилар талабига кўра харидор эҳтиёжига, дидига мос келадиган янги-янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Тайёрланаётган маҳсулотларнинг асосан сифатига, бичимига, бежирим тикилишига эътибор қаратганимиз туфайли буюртмачиларимиз сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда корхонамизда ўз касбининг моҳир усталари бўлган 15 нафар хотин-қиз меҳнат қилади. Ўтган йили корхонада 7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Йилнинг биринчи чораги бўйича эса 2 миллион 736 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Корхонада иш унуми ва сифатига алоҳида эътибор бериб меҳнат қилаётган илғор тикувчилардан С.Маннопова, Т.Нечаева, М.Жалилова, Л.Саидқуловалар бошқаларга намуна бўлишмоқда. Келгуси режаларимиз ҳам бисёр. Ниятимиз келгусида корхонамизни яна ҳам кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтиришдир.

Корхона аҳли ҳозирги кунда ҳар қачонгидан унумли ва самарали меҳнат қилиб, энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Истиқлолимизнинг ўн йиллик тўйини меҳнатда муносиб ютуқлар ва ёруғ юз билан кутиб олиш ниятидалар.

МАЪНАВИЯТ

# Қадриятларимизни улуғлаб

***Мустақилликка эришганлигимизнинг 10 йили мобайнида Мустақиллик иморати қурилди. Ҳар қандай иморатнинг мустаҳкамлиги унинг пойдеворига боғлиқ. Пойдевор қанча мустаҳкам бўлса, иморат шунча узоқ яшайди.***

Халқ ҳам шундай, ўзини англаб етган, куч-қудратига, ўз салоҳиятига ишонган, маънавий илдизлари чуқур, орияти баланд халқни асло енгиб бўлмайди. Юртбошимиз ҳам ҳар қадамда маънавият ва маърифатни юксак меҳр ва эътибор билан қадрлаб келмоқда. Юксак маънавият — келажак пойдеворидир. Шундай экан, ўзлигимизни таниш, умуминсоний қадриятларимиз, миллий урф-одат ва анъаналаримизга содиқ қолиб, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида маънавиятимизни янада бойитишимиз лозим.

Туманнинг Маънавият ва маърифат маркази бу борада ибратли тадбирларни амалга оширишга астойдил киришган. 2001 йилнинг Оналар ва болалар йили деб номланиши ва бунга асосан «Она ва бола» Давлат дастурининг бажарилишини амалга ошириш юзасидан маънавий-маърифий тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва шу йўналишда самарали ишлар олиб борилмоқда. Бу борада 20 кишидан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Туман «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Соғлом авлод — юрт истиқболи», «Мен ва менинг маҳаллам», «Конституцияни ўрганамиз» сингари кўрик-танловлар, «Дунё — болалар нигоҳида», «Гиёвандликка қарши курашамиз» мавзуида ўтказилган фестиваллар ёшлар онгига миллий истиқлол ғояларини сингдиришда, уларни чин ватанпарвар, юксак маънавиятли, баркамол инсонлар бўлиб етишишларида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шунингдек миллий истиқлол ғояси ва маънавият асосларини чуқур ўрганиш, омма ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида ўтказилган «Огоҳлик — давр талаби», «Мен нечун севаман Ўзбекистонни», «Ўзбек аёлининг бахт-иқболи» мавзуидаги давра суҳбатлари, илмий анжуманлар мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

# Оқ ювиб, оқ тарагансан ўзинг бизни...

***Ҳа, ушбу қўшиқ таниқли ва севимли хонандамиз Юлдуз Усмонова ижросида янграганда қалбларни ҳис-ҳаяжон ва жунбушга солиши, она Ватанимизга нисбатан фахр- ифтихор туйғуларини янада жўш уриши шубҳасиз. Бу қўшиқ ҳозирги кунда ёшларнинг энг севимли қўшиғига айланиб қолган.***



Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон! Бу муқаддас сўзлар ёшлар дилида ҳам, тилида ҳам доимо мардонавор жаранглаб туриши керак албатта. Юртимизда ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши, билим олиши йўлида кўп саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Шу ўринда Яккасарой тумани қалби олов ёшларининг шижоати, изланувчанликлари, ташаббускорликларини таъкидлаш даркор. Туманда ёшлар тарбиясига, уларни ўқитиш, касб-ҳунарга ўргатиш, иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада туман «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан бир қанча хайрли ва ибратли тадбирлар, савол-жавоб кечалари, қизиқарли учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Ёшларнинг жисмонан кучли, бақувват, мард ва ақлан теран бўлиб камолга етишларида спорт катта аҳамиятга эгадир. «Соғлом танда — соғ ақл», деган нақл бежиз айтилмаган. Спортнинг айниқса шахмат, шашка турлари ёшларнинг ақлини чархлашда, аниқ фикрлашида катта аҳамият касб этади. Шу мақсадда яқинда тумандаги Бобур номли истироҳат боғида Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишлаб «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида шахмат-шашка мусобақасининг туман босқичи бўлиб ўтди. Ушбу мусобақада тумандаги 17 маҳаллададан жами 40 нафар шахмат-шашка ишқибозлари иштирок этишди. Шахмат турнири 5 та босқичда ўтказилиб, финал ўйинида 1987 йилда туғилган А.Яшин ва 1989 йилда туғилган А.Кван ўзаро беллашдилар. Мусобақа А.Кваннинг мутлоқ ғолиблиги билан якунланди. Шашка бўйича эса финал ўйини А. Мусамуҳамедов ва А. Маҳамедовлар ўртасида ўтказилиб, А.Мусамуҳамедов ғолиб деб топилди.

Туманда шунингдек, «Соғлом авлод — юрт истиқболи», «Мен ва менинг маҳаллам» кўрик-танловлари, «Истиқлол неъматлари», «Мустақиллик — ёшлар нигоҳида» мавзуида турли кўргазмалар ташкил қилинди. 1 июнь — Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунида «Дунё — болалар нигоҳида» мавзуида Бобур боғида болалар фестивали ҳамда «Гиёвандликка қарши курашамиз» мавзуида ўтказилган экофестиваль ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни кунларда ёшларимиз қалбида истиқлол қўшиқлари янграмоқда. Истиқлол энг улуғ ва бебаҳо неъмат эканлигини юрак-юракдан ҳис қилаётган ёшларимиз шу фаровон, тинч ва осуда ҳаётимиз, озод ва обод Ватанимизни кўз қорачиғидек асраб, ёниб-жўшиб куйламоқдалар.

***Оқ йўргакка ўрагансан ўзинг бизни,***
***Оқ ювиб, оқ тарагансан ўзинг бизни,***
***Бешигимиз узра бедор она бўлиб,***
***Кунимизга ярагансан ўзинг бизни.***
***Адойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон,***
***Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!..***

**Саҳифани Дилором ИКРОМОВА тайёрлади.**

